

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш бошида жорий йилнинг беш ойидаги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар қайд этилди. Бу даврда sanoat 6,4 фоиз ўсган, экспорт миқдори 18 фоиз, хорижий инвестициялар 46 фоиз ошган. Қиймати 3 миллиард долларлик 2 минг 500 дан зиёд янги қувват ишга тушган. 2 миллион 400 минг одам даромадли бўлган.

Шу билан бирга, дунёда турли можаролар авж оляпти, савдо алоқалари ва логистика қийинлашяпти. Тинчлик, адолат ва инсон қадрини улуғлашга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошиб бораёпти.

Шунинг учун ҳокимлар ва вазирлар имкониятларни тўғри баҳолаб, ташаббус кўрсатиб ишлаши, аҳоли ва бизнес вакиллари билан мулоқотни янада кучайтириб, муаммоларни тез-тез ҳал қилиб бериши зарур.

Йиғилишда бу масала ҳудудлар ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиниб, тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, ҳар бир тумандаги 40 дан зиёд ташкилотда ўртача 500 нафар ходим ишлайди. Лекин айрим оддий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам вилоятдан, улар эса республикадан рухсат олиши керак. Ёки, ваколати ва маблағи етарли бўлган ташкилотлар ўзини «назоратчи» деб билиб, аҳолининг оғирини енгил қилиш билан шуғулланмаяпти.

Вазирлар, ҳукуматдаги масъуллар тартиб-интизомга қаттиқ эътибор бермагани учун ислохотлар ижроси чўзилиб кетаяпти. Суд қарорлари вақтида бажарилмаётгани юзасидан ҳам мурожаатлар кўп.

Йилнинг қолган даврида 26,5 миллиард доллар инвестиция киритилиши, 1 сентябргача 3,3 миллиард долларлик 35 та йирик лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форумида 30,5 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди. Улар бўйича ҳам тизимли иш олиб бориш керак.

Шу боис йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгайтирилади. Берилган маблағларнинг фақат тўғри сарфланиши эмас, балки нима самара бергани, аҳоли бундан қанчалик рози бўлгани ҳам ўрганилади. Палата бу таҳлиллардан келиб чиқиб, давлат раҳбарига таклифлар киритади. Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси тугатилди.

Тошкент шаҳрида ўзини оқлаган «Халқ назорати» электрон портали бутун республикада ишга туширилади. Бу тизим мурожаатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади.

Охириги пайтларда Халқ қабулхоналари аҳоли дардини эшитиб, масалаларни ҳал қилиш ўрнига, мурожаатларни давлат ташкилотларига тақсимловчи воситачига айланиб қолган эди. Жойлардаги муаммолар ҳал бўлмагани учун ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар кўпайган.

Президентимиз аҳолининг дарду ташвишларини эшитиб, одамларга шароит яратиб бериш раҳбарларнинг асосий вазифаси эканини таъкидлади.

– Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Халқ қабулхоналари таркиби фидойи мутахассислар билан тўлдирилиши айтилди. Энди Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилади. Улар ҳар куни ишини аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлайди. Бугун туғилган муаммони кейинга ўтказишга йўл қўйилмайди. Мурожаатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойнинг ўзида ҳал қилади. Бунинг учун туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади.

Масалан, ҳокимда туман ташкилотлари штатини тақсимлаш, яхши раҳбарни рағбатлан-

тириш, сустроғини вазифасидан озод қилиш бўйича ваколат йўқ. Ҳоким ҳам, ўринбосарлари ҳам кўп вақтини йиғилиш ўтказишга сарфлаяпти.

Кўйи бўғиндаги штатлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадига мос эмас. Тармоқ ташкилотлари кўп йиллик режалар дастурини қилиб, ташаббус кўрсатмаяпти, кунлик топшириқлар билан овора.

– Туман бўғини самарали ишламаса, юқоридан қандай топшириқ туширилмасин, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари шунга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Энди туманларда ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгаради. Бу йил Сурхондарё вилоятини ҳамда 16 та ҳудудда – Бектемир, Қўнғирот, Чимбой, Асака, Ғиждувон, Ғаллаорол, Яққабоб, Хатирчи, Чортоқ, Булунғур, Сирдарё, Қува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгийўл шаҳарларида янги бошқарув жорий этилади.

Яъни, иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Улардаги жами штатларни тақсимлаш, ишга олиш ва бўша тишни ҳоким ҳал қилади. Туманлар ихтиёрида қоладиган маблағлар манбаси кўпайтирилади.

Энди ҳокимда 4 нафар ўринбосар бўлади. Туман ё шахарнинг ривожланиш режасига қараб, қайси соҳа бўйича ўринбосар бўлишини унинг ўзи белгилайди. Ҳоким ўринбосарига аниқ вазифалар юклатилиб, ҳар бир вазифа ва функцияси маблағи билан мустаҳкамланади.

Ҳоким ва унинг ўринбосарлари самарадорлик кўрсаткичларини тўлиқ бажарса, кейинги йил ҳудудга бериладиган маблағ 10-15 фоиз кўпайтирилади. Акс ҳолда, маблағ оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади.

Туманда соҳа мутасаддилари ва етакчи тadbиркорлардан иборат «Ислохотлар штаби» тузилади. У орқали маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий маъна, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади.

Бу янги тажриба, натижаларга қараб, келгуси йилдан бутун республикамизда йўлга қўйилади.

Яна бир муҳим янгилик – ишчан ва жозибдор муҳит яратиш учун 1 августдан барча вилоят ва туман ҳокимликларида иш ҳақи оширилади. Ана шунда, ҳамма интизом ва режа билан ишлашга ўрганади.

Лекин, ўзига юклатилган вазифани бажара олмаганларга чора кўрилади. Ана шунда, ҳамма интизом ва режа билан ишлашга ўрганади.

Йиғилишда ҳудудларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экспорт ҳамда муҳитни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Солиқ маъмуручилигини яхшилаб, аҳоли тadbиркорлигини ва иш ўрни яратишни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллаларга сув олиб бериб, мева-сабзавот етиштириш, замонавий агротехнологиялар орқали экспортни кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Урмон ва яйлалардан чорвачиликда фойдаланиб, гўшт ва сўт маҳсулотларини кўпайтириш, озик-овқат инфляциясини жиловлаш чора-тadbирлари белгиланди.

Шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш, йўл ҳаракатини тўғри ташкил қилиб, тирбандлик ва автоҳалокатларни камайитиришнинг аҳамияти қайд этилди. Одамлар сайр қиладиган жойлар, яшиллик ва болалар майдончаларини кўпайтириб, халқни рози қилиш талаби қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир, ҳукумат аъзолари ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗА

2025-yil
17-iyun
seshanba
№75
(5139)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



САЙЖУН БЎЙИДАГИ СЎЛИМ «СИРДАРЁ»

Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси
томонидан бунёд этилган
мазкур оромгоҳда
болажонларнинг қувноқ
овозлари янграмоқда

Айни кунларда «Сирдарё» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизларнинг қайси бири билан гаплашманг, «Келаси йил ҳам, албатта, яна шу ерга келаман», деган сўзни эшитасиз. Чиндан ҳам, уларнинг бу ердаги ҳар бир куни завқли, кўтаринки руҳда ўтмоқда.

– Оромгоҳдаги шарт-шароитларни бир сўз билан ифодалаб беролмайман, – дейди Сирдарё туманидаги 41-умумтаълим мактаби директори Мавлуда Бурхонова. – Зеро, бир пайтлар ташландиқ, чакалакзор бўлиб ётган ерда мана шундай мухташам иншоот қуриш бунёдкорлик ва эътиборини намунасибдир.

Қайд этиш жоиз, ушбу оромгоҳ Юртбошимиз илгари сурган «Беш ташаббус» доирасида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси сайёҳаракати билан бунёд этилди. Бунинг учун 40 миллиард сўм маблағ сарфланди. 10 гектар-

рақс, расм, мусиқа, компьютер, инглиз тили курслари шулар жумласидан. Болажонларнинг саломатлиги ҳамма малакали шифокор ва ҳамшираларнинг диққат-эътиборида. Оромгоҳ кутубхонасида 2 900 дан ортиқ, 500 номдаги энг сара асарлар бор.

– Болажонлар билан бир китобни ўқиб тугатган, ўзаро фикр алмашамиз, – дейди кутубхоначи Барно Маҳматқулова. – Бундан ташқари, уларнинг саводхонлигини ошириш учун турли викториналар, тadbирлар уюштирамиз.

Оромгоҳ директори Улуғбек Тўрақулوف бу ерга келган ҳар бир кишига сўлим маскани завқ билан таништиришдан эринмайди. Шийпончаларга таклиф этади. Волейбол, баскетбол, стол теннис, футбол майдонларини кўрсатади. 12 метрга 25 метр ҳажмидаги, суви филтрланиб турадиган мовий бассейн томон бошлашни ҳам унутмайди.

– Ҳар томонлама мукамал оромгоҳ айнан бизнинг туманда барпо этилгани катта воқеа бўлди, – дейди Сирдарё тумани ҳокими Азизбек Турдимуродов. – У нафақат ёзда, балки йилнинг бошқа фаслларида ҳам дам олиш маскани сифатида фаолиятини давом эттира олади.

Айни кунларда бу ерда турли тadbирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, яқинда Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш куни муносабати билан бўлиб ўтган анжуман ҳам кўпчилик-

нинг ёдида узоқ вақт қоладиган бўлди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев барчани янги оромгоҳ билан кутлаб, бугун илм ва маърифат йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига урғу берди.

Шунингдек, Федерация меҳнат мухофаза қилиш бўлими муdiri Нодира Фойибазарова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулнора Абдувоҳидова, Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари Абу Юсуф, Азиз Ҳақбердиев, Ҳамидулла Ҳамдамовлар юртимизда болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни эътироф этишди.

Тadbир муносабати билан болалар ўртасида расм чизиш, стол теннис, шахмат-шашка бўйича мусобақа ўтказилди. Нафақат голиблар, балки бирон-бир иштирокчи эътибордан четда қолмади.

– Бу маскан менга жуда ёқди, – дейди Тоҳира Султонқулова. – Мевали дарaxтлар, нафис ва хушбўй гуллар, сайроқи қушлар, ҳамма-ҳаммаси ажойиб. Насиб этса, келаси йил ҳам шу ерга келаман.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**БИРЛАШГАН ҚҮМИТА БИРЛАШТИРСА,
ХОДИМЛАР ИНОҚЛАШАДИ**



Кувонч ТҮРАЕВ олган суратлар

Бу фикрда қанчалик жон борлиги Агросоаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳри бирлашган қўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида яққол кўзга ташланди. Қандай қилиб, дейсизми? Келинг, ушбу саволга сал кейинроқ жавоб берсак-да, ҳозир ўтган беш йиллик фаолиятга делегатлар олдидан ҳисоб бериш чоғида айтиб ўтилган айрим муҳим кўрсаткичларга қисқа тўхталиб ўтсак.

Бугунги кунда тармоқ касабаси уюшмаси Тошкент шаҳри бирлашган қўмитаси ўз таркибидеги 204 та бошланғич ташкилотга 65898 аъзони бирлаштирган. Тизимга ишонч билдирган ишчи-ҳодимлар сонини таҳлил қилганидан бўлсак, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатида 48878 нафар аъзо бор эди. 2025 йилнинг худди шу даврига келиб, уларнинг сони 61030 нафарни ташкил этди. Шунга мос равишда ташкилотлар сони 183 тадан 202 тага кўпайди.

Жамоа шартномаси бандлари бажарилиши бўйича 2024 йилда ўртача бир кишига сарфланган маблағ 12245 сўмини ташкил этди. Жамоа шартномаларига кўра иш ҳақи, нафақа, меҳнатга лаёқатсизлик тўловлари берилиши бўйича қарздорлик келиб чиқишига йўл қўйилмади.

Шаҳар бирлашган қўмитаси томонидан ўртача ойлик иш ҳақининг мониторинги ҳам олиб борилганини айтиб ўтиш

жоиз. Бугунги кунда тармоқ тизимдаги ташкилотларда ўртача ойлик иш ҳақи 5 млн. 138 минг сўмини ташкил этмоқда. Ҳисобот давридан шу кунга қадар шаҳар ташкилотига молиявий масалалар бўйича 2903 та ёзма мурожаат келиб тушган. Шундан моддий ёрдам сўраб ёзилган аризалар 169 тани, санаторий, дам олиш уйи ва шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларга йўлланма сўраб ёзилганлари 2542 тани, бошқа масалалар бўйича бўлганлари 51 тани ташкил этган ва барчаси қаноатлантирилган.

2020 йил июль ойидан ҳозиргача ижтимоий сўғурта ҳисобидан 2237 та, жумладан, афрон уруши қатнашчилари, кам таъминланган оила вакиллари, ташкилотларда ишловчи ногиронлар ва узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритган 257 кишига ҳужжатлари асосида бепул йўлланмалар ажратилди.

Аъзолик бадали тушумидан эса, санаторийларга 791 та йўлланма ажрати-

либ, уларнинг 658 таси ишчи-ҳодимларнинг ота-оналарига берилган. Дам олиш уйига 364 та йўлланма ходимлар ишдан кейинги вақтда мазмунли дам олишлари учун тақдим этилган.

Ҳисоботдан кейин тафтиш комиссияси раиси сўзга чиқди. Сўнг ҳар иккала маърузачининг чиқиси юзасидан муҳокамалар бошланди. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети касабаси уюшмаси раиси Уткир Соатов, Озбек-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг жамоатчилиги билан алоқалар бўйича мутахассиси Дилбар Сиддиқова, «Ўзбекистон шампани» АЖ бош директор уринбосари Аҳдам Элтоев бирлашган қўмита раиси ўтган даврдаги фаолиятини жуда яхши олиб борганини, қачон, қандай мурожаат ёки тақлиф билан чиқишмасин, доимо ёрдам берганини, қўллаб-қувватлаганини таъкидлашди.

– Бирлашган қўмита йўл-йўриги асосида фаолият олиб борялман, – деди Дилбар Сиддиқова. – Нарғиза Усмонова ва унинг жамоаси тавсиялари асосида ишлайётганим бошланғич касабаси уюшмаси раиси сифатидаги фаолиятимга жуда катта қўмақ бўлмоқда. Тўғриси айтсам, ишга келганимдан кейин икки ой ўтиб, касабаси уюшмаси раиси сифатида сайлашганим. Ушунда бу

борада ҳеч қандай тажрибам йўқ эди. Аммо бирлашган қўмита билан ҳамкорликда ходимлар манфаати, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси борасида ишлашни ўргандим. Тажриба орттирдим. Ва шу соҳага яқин бўлиб, касабаси уюшмаларига ишончим мустаҳкамланди. Чунки бирлашган қўмита тўғриси йўл кўрсатгани туфайли ўз жамоамда яхши тадбирлар, ходимлар манфаати учун ишлар қилишга эришдим ва бунинг ортдан жамоамизнинг аҳиллиги ошди. Шунини тушуниб етдимки, бошланғич ташкилотлар тепасида турган бирлашган қўмита ҳақиқий бош бўлса, жамоаларда ҳам иш самарали бўларкан.

Кейинги сўзга чиқувчилар ҳам бирлашган қўмита раисининг ўтган даврдаги ишлари қониқарли деб баҳолашди. Ёпиқ тарзда ўтган ва икки номзод кўрсатилган сайлов жараёнида эса тажриба, фидойилик, ҳамкасбларга чин дилдан жонқурлик қилингани ўз самарасини берди. Амалдаги касабаси уюшмаси раиси Нарғиза Усмонова энг кўп овоз тўплаб, яна Агросоаноат ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳри бирлашган қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда делегатлар, соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимлари ва соҳа масъуллари иштирок этишди. Конференцияда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Хананияев қатнашди.

ЯКУБОВГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Ҳисобот-сайлов конференциясида дастлаб Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари, меҳнат инспекциясининг бошлиги Қобилжон Қирғизалиев сўзга чиқди. Нотиқ сўзида энг катта жамоат ташкилоти бўлган, ўз сафида етти миллиондан зиёд аъзони бирлаштирган, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи тобора ортиб бораётган касабаси уюшмалари тизимида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши томонидан 2021-2024 йиллар ва 2025 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида касабаси уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ҳисобот тинланди.

Сўнгра вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги Махмарасул Умаров соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, янги ланишлар, тўпланган тажрибалар, умуман олганда, тизимдаги кенг қамровли ислохотлар хусусида гапирди.

– Таъкидлаш лозимки, касабаси уюшмаларининг асосий мақсади ўз аъзоларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдан иборат, – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўйича мутахассиси Ирода Пардаева. – Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шериклар билан худудий жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини тузиш, томонларнинг мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича ҳисобдорлигини ошириш, ходимлар учун нуносиб меҳнат шартлоларини яратиш, бу борада жамоатчилик назоратини ташкил қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси Фарҳоджон Хананияев қатнашди.

Кенференцияда соҳа касабаси уюшмасининг вилоят кенгаши раиси ҳамда таркиби муқобиллик асосида аширин овоз бериш йўли билан сайланди. Сайлов натижаларига кўра, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси лавозимига Мелитожи Якубов номзодига кўпчилик овоз билан қайта ишонч билдирилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Бугунги дунё сиёсатида аниқ ташхис қўйган ушбу воқеа эрта-кечми рўй бериши керак эди. 1979 йилдаги Исроил инқилобига қадар, шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳукмронлиги даврида Эрон Исроилнинг иттифоқчиси ва яқин ҳамкори эди. Исроил инқилоби бу муносабатни 180 градуса ўзгартириб юборди. Эрон ва Исроил ўртасида умумий чегара йўқ. Уларни ҳеч нарса боғлаб турмайди. Аммо қуруқлик ёки сувда кесишмаган фронт чизиги 45 йил давомида одамлар онгидан ашаб келди.

2025 йилнинг 12 июнидан 13 июнига ўтар кечаси Яқин Шарқдаги эски дипломатик механизмлар ҳарбий уноқлар зарбалари остида чилпарчин бўлди. Исроил ҳеч қандай мандатлар, резолюциялар, «чуқур хавотирлар» ёхуд Фарб коалициясининг мувофиқлаштирилган позициясини қутиб ўтirmай, Эроннинг муҳим ҳарбий ва ядровий инфратузилмаларига авиазарбалар берди. Аслида, ҳарбий объектлар, центрифугалар, омборларининг эмас, Исроил Республикаси дахлсизлигини, эҳтимол, унинг ўқ томирини нишонга олди.

Халқаро агентликлар бу ҳақда бирин-кетин хабар бера бошлашга, таҳлилчилар «Бу – чекланган ҳарбий амалиёт, пўлиса, рамзий ҳаракат», дея аҳолини тинчлантиришга уринди. Аммо бунинг қуруқ пўлиса эмаслиги эрта тонгдаёқ маълум бўлди. Шубҳасиз, бу чинакам уруш ибтидоси эди. Исроил Исфохон, Натанз, Боружерд ва кейинроқ Техронга зарба берди. Ҳарбий аэродромлар, илмий марказлар, Исроил инқилоби соқчилари корпуси (ИИСК) бошқарув пункти нишонга олинди. Асосий мақсад Эрон ядровий лойиҳасининг қалби эди. Аммо ундан-да дахлсизлиги «олтин бошларга» берилган зарбалар бўлиб чиқди. Ҳужумлар оқибатида бир неча юқори лавозимдаги эронлик ҳарбий кўмондонлар, ядровий дастурнинг йирик олимлари ҳалок бўлди. Улар орасида ИИСК раҳбари генерал Хусайн Саломи, Эрон қуроли кучлари штаби стратегиячиси Фулом Али Рашид, аксилжосуслик хизмати раҳбари Саид Мир Аҳмадий, шунингдек, депутат ва Эрон Атом энергияси ташкилотининг собиқ раиси Фаридун Аббосий ҳамда физик олим, Исроил университети ректори Озод Муҳаммад Меҳдий Техрончи бор.

Буни интиқом десак, воқеликни ўта жўнлаштирган бўламиз. Бу – стратегия. Исроил бу сценарийга узоқ йиллар тайёрланган. Жосуслик, диверсиялар, ички агентлар – буларнинг барчаси йиллар давомида фаолият юритган. «Тугма»нинг босилиши эса вақт масаласи эди, холос. Бу тугма 13 июнга ўтар тунда босилди. «Эрон режими бизни йўқ қилиш учун қурол яратишини жамғина кузатиб туролмайми. Дастлабки қадамни биз ташладик. Биз нафратдан эмас, заруратдан шу ишга қўл урдик», деди Биньямин Нетаньяху. Унинг овози қалтирамади. У қандай хатарга бош суяётганини англаган,

Исроил дипломатияси энди иш бермайди, деб ўйлаган, чоғи. Аввалига Техрон талафотлар қўламини англаб етмагандек кўринди. Дастлабки расмий муносабат «Барча объектлар ҳимояланган, йўқотишлар йўқ, душман албатта жазоланади», деган қолип сўзлардан иборат бўлди. Аммо тонг отиши билан маълумотлар Telegram каналлари, Эрондаги онлайн гуруҳлар ва дипломатик ахборотлар орқали сизиб чиқа бошлади. Аҳоли орасида ваҳима кучайди. Генераллар ҳалокати, UFB омборлари шикастлангани, Ливан ва Суриядаги ҳаракатлар мувофиқлаштирилган Боружерддаги ҳарбий базага берилган зарбалар, Эрон ҳаво ҳимоя тизимлари протоколларини бузиб кириш заифлик ҳисси ва саросимани кучайтирди. Зеро, буларнинг барчаси президент Иброҳим Раисий ҳалок бўлганидан сўнг пайдо бўлган сиёсий бўлиш, ҳали етарли таъсир ва нуфузга эга бўлмаган янги президент фондида содир бўлаётганди.

Зарбалардан сўнг Эрон нималар рўй берганини англашдан аввалги сукунатга чўмди. Олий диний раҳбар оятуллоҳ Сайид Али Хоманай кескин баёнот билан чиқди: «Исроил ўз дахлсизлиги тақдирини ўзи белгилади. Биз интиқом оламиз». Бироқ ушбу баёнотда аввалги шашт ва ишонч сезилмади. Шунга қарамай, Исроил ҳужуми уюштирилган сана оқшомида Эрон жавоб зарбаларини йўллади. Эрон худудидан учирилган ракеталар Исроил жанубидаги ҳарбий объектларга йўналтирилди. Ҳайфа ва Негевда «Темир қалқон» (Iron Dome) тизимлари фаоллашди, аммо ракеталардан бири Неватим саҳросида жойлашган базага етиб борди. Эртаси кун ҳам Эрон Тель-авив, Ҳайфа, Куддус, Назарет ва бошқа шаҳарларни бомбардимон қилди.

Шунга қарамай, ҳозирча буларни Исроил зарбаларига тенг жавоб, деб бўлмайди. Эрон, у ҳақиқий жавобдан кўра кўпроқ «юзни сақлаб қолиш»га қаратилган ва ички аудитория учун мўлжаллангандек таассурот уйғотди.

Дарҳақиқат, Эрондаги бугунги вазият хавфли тус олиши мумкин. Хоманай ҳужумати шундай вазиятга келдики, унда хато қилмасдан ҳаракат қилишнинг деярли имкони йўқ. Исроилга зарба берса – қақшатқич жавоб олади. Сукут сақласа – ичидан емирилади. Уруш – хавфли. Сукут эса ҳалокатли. Ўтган кун Хоманай ҳамда унинг оила аъзолари Техрондан Махадға – бункерга кўчирилди. Саҳна ортида протоколсиз ёпиқ йиғилишлар ўтказилаётгани ҳақида гап-сўзлар бор. Инқилобий кенгашининг баъзи аъзолари ҳам узлатга чекинган. Ҳокимият ташқи кўриниши унинг мазмунидан устун бўлган мамлакатда бу – ғайритабиий ҳол. Хатто бунинг ички фалажликнинг бошланиши, дея талқин этиш ҳам мумкин.

ИИСКнинг айрим бўлимлари Шероз, Қум ва Йезда жойлаштирилди. Жанговар ҳарбий қисмлар Сурия ва Ироқдан чиқарилди. Энди уларга ватаннинг ўзида эҳтиёж бор. Бу ҳукумат нафақат ташқи ҳужумдан, балки ички портлашдан ҳам ҳадиксирётганини англашди.

Москвада сенатор Константин Косачёв ушбу ҳужумни «минтақавий беқарорликнинг янги босқичи», деб атади. МАГАТЭ раҳбари Гросси Натанздаги ядровий объектга зарар етганини тасдиқлади. Радиация атрафга тарқалмаган бўлса-да, Ун йиллар давомида халқаро кескинлик марказида турган объектга жиддий зарба берилди. Россия Эрон билан стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилган бўлса-да, иктилофдаги икки давлат ўртасида дипломатияни сақлашга уриняпти. Вазиятдан хавотирда эканини билдирган Хитой ҳеч қайси томонни айблаб чиқмади. АҚШ давлат ко-

ҚАФАСДАН

тиби Рубиннинг сўзларига кўра, «АҚШ ҳужумда иштирок этмаган», бироқ «иттифоқчиси ҳимоя қилишга тайёр». Вашингтон Исроилни ҳаракатларда чеклаётгани йўқ, аммо ҳеч қандай мажбуриятни олиш ниятида ҳам эмас.

Асл фожианинг илдизи анча чуқур. Ҳалок бўлганлар, йўқотилган иншоотлар ўз йўлига. Аммо Эрон жамятидаги бугунги кайфият муҳим аҳамиятга эга. Исроил зарбалари рентген вазифасини ўтаб бергандек. Ички емирилиш, ўзлик инқирози, авлодлар ўртасидаги бўлиниш... Йиллар давомида йиғилиб келаётган ушбу муаммолар юзага қалқиб чиққандек гўё. Ёшлар инқилоб голяридан анча бегоналашган. Урта табақа санкциялар остида эзилмоқда. Элита эса саросимада. Табиийки, савол туғилади: нега ва қандай қилиб бу режим ҳали ҳам сақланиб турибди?

Техронга зарба берилганидан атиги 6 соат ўтиб, Ямандаги ҳусийлар «сионистик тажовузга қарши курашни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз», деган баёнот билан чиқди. Ливан манбаларига кўра, «Ҳизбуллоҳ» юқори ҳарбий тайёрлик ҳолатига келтирилган, бироқ Байрутда Исроилга қарши очик ҳужумда Ливаннинг кули қўкка совурилишидан қўрқишмоқда.

Ироқдаги Эронга содиқ бир неча шама гуруҳлари таъминот тармоқларини фаоллаштирди. Бу – урушга эмас, саҳнага тайёрларик. Гарчи талафотлардан ўзига келолмаётган бўлса-да, Эрон кенг қўламли жавоб манзарасини яратишга уриняпти.

Минтақада Хитойнинг ролини ҳам унутмаслик керак. Пекин фақат ташвиш билдириш билан чекланаётгани йўқ. У Техронга сунъий йўлдош маълумотларини еткази бошлади, кибералоқаларни кучайтирди ва япон матбуотига кўра, нефть бозорини барқарорлаштириш учун Марказий Осиё орқали муваққат энергетик йўллари фаоллаштириш масаласини муҳокама қилмоқда.

Пекин урушни истамайди. Лекин Эроннинг қулаши ҳам унинг манфаатларига зид. Чунки қулаш беқарорлик бешигидир. Беқарорлик эса «Бир камар – бир йўл» лойиҳасига очикдан-очик таҳдид келтириб чиқаради. Шу боис Хитой Эронни молиявий жиҳатдан, жосуслик ва инфратузилма орқали қўллаб-қувватлаши мумкин. Агар Техрон омон қолса, бу маълум маънода Пекиннинг хизмати бўлади. Агар у қулса, Хитой энг биринчилардан бўлиб, «инвестицион нажот халқасини» тақлиф этади. Бу геосиёсат дустликка эмас, сўғуртага таянади.



Яна бир қутилмаган воқеани айтмас – бўлмас. Покистон илк бор нейтралликдан чекинди, Эрон билан ҳамдард эканини билдирди. Ташқи ишлар вазирининг баёнотида «Исроил олами хавфсизлик ва стратегик мустақилликка ҳақлидир», деган қўлаб ОАВ эътиборсиз қолдирган ибора янгради. Бир қарашда расмий дипломатик калом сифатида билдирилган фикрнинг туб замирида Эронни Исроил билан курашда дипломатик қўллаб-қувватлаш мақсади мужассам. Қолаверса, бунда яна бир чуқур стратегик маънони ҳам уқиб олиш мумкин. Покистон Эрон



Истаимизми, йўқми, ҳар кунни хонадонимиздан маиший чиқиндилар чиқади. Уларнинг керак-сизлари ва эскирганларини ташлаб юборамиз.

Албатта, бу табиий ҳол. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам чиқинди муаммоси мавжуд. Маълумотларга қўра, маиший чиқиндиларнинг 80 фоизини органик моддалар ташкил этади. Уларни қайта ишлаш натижасида катта миқдордаги газ ва энергия олас бўлади. Алюминий, темир, шишадан тайёрланган маҳсулотларни қайта ишлаш эса уларни илк ишлаб чиқаришга нисбатан анча афзалликка эга. Чунки бу ҳолатда энергия бир неча бараварга тежалди, маиший чиқиндилар эса энг арзон хомашё саналади.

Бугун ривожланган талай давлатларда чиқиндилардан унумли фойдаланилади. Хориж тажрибасида уларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлиги исботланган.

Хўш, бизда-чи? Умуман, Ўзбекистонда неча фоиз маиший чиқинди қайта ишланади?

Фикримизни Фарғона вилояти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, бу ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплайдиган 10 та полигон ишлаб турибди. Йиғилган чиқиндиларни саралаб, қайта ишлаш билан эса 30 га яқин корхона шуғулланади. Улар пластмасса, қоғоз-картон, металл парчаларини саралаб, иккиламчи хомашё сифатида тайёрлашади. Маълум бўлишича, вилоятда чиқиндиларни қайта ишлаш 40 фоизга етган.

Шу ўринда, алоҳида эслатиш жоизки, ичимликлардан бўшган пластик идишларни йиғиш ва иккиламчи қайта ишлаш цехларига жўнатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу саяй-ҳаракатлар атроф-муҳитнинг маиший чиқиндилар билан ифлосланишини имкон қадар камайтиришга хизмат қилмоқда.

Албатта, юртимизда чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина. Аввало, улар жуда катта майдонларни эгаллаган. Иккинчидан, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлашда хорижнинг илғор тажрибалари қўлланилмаяпти.

ЧИҚИНДИ ПОЛИГОНЛАРИ

Уларда хориж тажрибасидан фойдаланиш керакми?

Соҳа вакилларининг таъкидлашича, чет элда чиқинди полигонлари майдони 50 сотих, нари борса, 80 сотихни ташкил этади. Бунинг сабаби маиший чиқиндиларни саралаш юқори даражада ташкил этилгани ва қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқарилишига боғлиқ.

ЕРНИНГ ҲАР ҚАРИЧНИ АСРАБ-АВАЙЛАШИМИЗ КЕРАК!

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, вилоятдаги чиқинди полигонлари, ҳақиқатан ҳам, жуда катта майдонни эгаллаган. Айтилик, Марғилон шаҳар маиший чиқинди полигони 60 гектардан, Дангара туманиники 12 гектардан ортиқ. Фарғона тумани маиший чиқинди полигони салкам 7 гектар, Ўзбекистон туманиники 6 гектар.

Дангара туманидаги чиқинди полигонини тоққа қўйиб бўлади. Чунки ундаги уюмлар баландлиги 47 метрга етган. Бу ерга ушбу тумандан ташқари, Қўқон шаҳридан, шунингдек, турли корхона-ташкilotлардан маиший чиқиндилар олиб келиб тўкилади. Агар бармоқ билан санарли «кўн-гиллилар»ни ҳисобга олмасак, бу ерда чиқиндини саралаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Полигон бўйлаб «экспедиция» чоғида ҳар ерда майда алангаларга гувоҳ бўлдик. Улардан чиқиб кетган ёқимсиз хидли тутун эса шамол йўналишига қараб ён-атрофда жойлашган уйлар томон йўналади. Бу атроф-муҳит тазолиги, инсон саломатлиги учун ҳам хавф туғдираётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Фурқат туманидаги чиқинди полигони ҳам катта майдонни банд этган. Шамол учирган чиқиндилар эса фермер ерини «безаган». Полигонда ишловчи Шўхрат Нурматовнинг тан олишича, бу майдонга ҳар кун 20 машина атрофда чиқинди тўкилади, лекин ҳаммаси ҳам сараланмайди. Тўғри, 3-4 кишининг қўл меҳнати билан қоғоз, темир, пластмасса, пластик идишлар бўлақлари териб олинади, қолган чиқиндилар эса умуман қайта ишланмайди.

1,6 гектар майдонга эга Учқўприк тумани чиқинди полигони 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, санитар ҳолати анча оғир. Бу ердан учган целлофан халталар автомобиль йўллари ва экинзорларни қоплаган.

Қўлга иланидиган чиқиндиларни териб, тирикчилик ўтказадиган Бахтиёржоннинг айтишича, у ушбу маҳсулотларни

қайта ишлаб чиқариш билан 1 кг. целлофанни 1800 сўмдан, 1 кг. пластик идишни 3000 сўмдан, қоғоз ва пластмассанинг килосини 2500-3000 сўм атрофида топишган. У 2018 йилгача шиша идишларни роса пуллаган. Лекин Кувадойдаги завод ёпилгач, бу маҳсулотлар ҳеч кимга керак бўлмай қолган.

Фарғона тумани ҳудудидаги «Саткак» маиший чиқинди полигони кенг ҳудудли бўлиб, бу ерга ёндош туманлардан чиқиндилар олиб келинади. Улар орасидан пластик идишлар, металл, целлофан, қоғозлар қўл меҳнати орқали териб олинади. Қолган чиқиндилар эса махсус техника ёрдамида текислаб ташланади.

ЛОЙИҲА ҚАЧОН АМАЛГА ОШАДИ?

Фарғона вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотида қўра, Саткак широкли яқинда жойлашган марказий чиқинди-хона ҳудудида япон компанияси чиқиндини қайта ишлаш корхонаси қуриши, биринчи босқич 2023 йил сентябргача ишга туширилиши, иккинчи босқичда чиқиндиларнинг қайта ишлаш мумкин бўлмаган қисмини ёқиш юбориш орқали электр энергия ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона қурилиши режалаштирилган эди. Афсуски, кузатувларимиз давомида бундай корхона кўрмадик.



Жамшид ЭРҒАШЕВ «ISHONCH»

Чиқинди муаммосининг долзарблиги кун сайин кучаймоқда. Ундан халос бўлиш учун хориж тажрибасини қўллаш, уларни қайта ишлашда илғор технологияларни кенг жорий этиш энг оқилона йўлдир. Биз эса соҳада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини беришидан умидвормиз.

ЧИҚИМБ КЕТГАН ШЕР

ёхуд Яқин Шарқда янги беқарорлик даври бошландими?



билан жосуслик алоқаларини Белужистон ҳудудида, яъни жанубий чегараларда мустаҳкамламоқда. Бу фақат терроризмга қарши кураш эмас. Бу – агар Эрон қўласа, беқарорлик Покистон чегараларига яқинлашмаслиги учун буфер ҳудуд яратиш ҳаракати. Табиийки, ҳеч ким навбатдаги қурбон бўлишни истамайди. Шу йўл билан Техрон – Пекин – Исламобуқ уқи шаклланди. Тўғри, ҳали бу ўқ аниқ-тиниқ шаклланиб улгурмаган. Аммо кун сайин мустаҳкамланмоқда. Дарҳақиқат, Яқин Шарқдаги уруш кўп нарсани ўзгартириб

юбориши мумкин: бозорларни, нефть оқимларини, халқаро институтларга бўлган ишончини, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қонунийлигини, ҳатто халқаро жавобгарликнинг бутун архитектурасини ҳам. Шунинг учун катта акторлар ўта эҳтиёткор. Чунки улар ҳар қандай қалтис ҳаракат жарлик сари етаклашни сезиб турибди.

Аммо сиёсатда бўшлиқ узоқ чўзилмайди. Агар Хоманай режими бардош бера олмаса, унинг ўрнини ё генераллар, ё янги мафкурачилар эгаллайди. Агар у бардош бера олса, шубҳасиз, трансформацияга учрайди – янада ёлқ, янада ғазабли, янада ядровий кучга айланади. Чунки таҳдирланганлардан омон чиққан режим ҳар доим ва ҳар жиҳатдан кучлироқ бўлишга интилади.

Хўш, бундай кезларда нима қилиш керак? Дипломатик кўприклар қуришими? Улар аллақачон ёниб кетган. Саммитлар ўтказишими? Уларнинг театр саҳнасида фарқи йўқ. Кутишими? Бу эса заифликка тенг. Исроилнинг зарбалари янги дунёда ҳақ эмас, биринчи бўлган ғалаба қозонади, деган фикрни тасдиқлаётгандек гўё. Бу – шафқатсиз, аммо тўғри сабоқ. Шунга қарамай, бунинг вақтинчалик эканини ҳам унутмаслик керак. Чунки узоқ муддатли зафарларга зарбалар эмас, моделлар етаклайди. Охир-оқибат ҳарбий куч-қудрат эмас, ғоялар тантанани қилади.

Ҳозирги вазиятнинг энг муҳим жиҳати – унинг рамзийлигида. Исроил ҳеч қандай иттифоқчиларсиз ҳаракат қилди. Ядровий дастурга қарши, дипломатияга қарши, ҳатто қўрқувнинг ўзига қарши. У қафасдан чиқиб кетган ёлғиз шерга айланди. Аммо барча душманлар кўзга ялт ташланавермайдиغان саҳрода яққаланиб қолган шер осон нишонга айланади.

Шу ўринда тарихга юзланмоқ керак, назаримда. Бутун бошли Эрон тарихининг ўзи юксалишлар, кулашлар, қайта туғилишлар тарихидир: Аҳамонийлар империясидан тортиб, Ислам инқилобигача. Эҳтимол, Исроилнинг бугунги зарбалари вайронкорлик билан бирга катализатор вазифасини ўтаб беради. Негадир Эроннинг Ислам инқилобидан кейинги 45 йил ичида илк бор ўзгаришига ишонинг келади. Табиийки, бу жараён осон кечмайди.

Шу ўринда сиёсатчилар ушбу можаронинг қай йўсинда давом этиши борасида турли талқинларни илгари суришмоқда.

Биринчи вариантга қўра, эскалация доимий назорат остида бўлади. Эрон ўз проксилари орқали жавоб беради. Исроил ҳаво мудофаа тизимларини кучайтиради. АҚШ ўзини гўё бу ишга алоқадор эмасдек тутаяди. Хитой «меъёр» ҳақида гапира бошлайди. Ҳамма кутади. Ҳамма вазиятнинг назорат остида эканига ишонтиришга ҳаракат қилади. Лекин, аслида, бу беқарорлик устидан назоратга айланади, ҳолок. Бу пойдевори йўқ барқарорлик, урушнинг янги босқичга оғишини кечиктирувчи ўйиндан бошқа нарса бўлмайди.

Иккинчи вариантга қўра, Техрон Исроилнинг ядровий тадқиқотлар маркази жойлашган Димонага зарба беради. Исроил бутун қудрати билан жавоб қайтаради. Можарога АҚШ аралашади. Хўрмуз бўғози ёпилади. Бир баррель нефтнинг нархи 300 АҚШ долларига етади. Европа энергетик шокка тушади. Хитойда ваҳима кучаяди. НАТОнинг парчаланиш эҳтимоли ошади. Яқин Шарқ геосийсий цунамига айланиб, эски халқаро институтларни ер юзидан супуриб ташлайди.

Учинчи вариантга қўра, Хоманай режимига дарз кетади. Элитанинг бир қисми музокараларни ёқлаб чиқади. Қўшинда иккиланмиш пайдо бўлади. Ёшлар нафақат интиқомини, балки ислохотларни талаб қилиб кўчаларни тўлдирди. Эрон, эҳтимол, 1979 йилдан бери илк бор ўзини қайта англаш остонасига келади. Бу инқилоб бўлиши ҳам, ҳатто янги авторитаризмга айланиши ҳам мумкин. Лекин энг муҳими, тарихда илк бор «Хоманайидан кейин нима бўлади?» деган савол очиқ янграй бошлайди.

Туртинчи вариант ҳам бор. Ҳеч нарса ўзгармайди. Дунё можаролардан чарчайди. Исроил ички сиёсий инқироз, АҚШ сайловлар, Европа Украина, БМТ ўз фалажлиги билан банд бўлади. Эрон яраларига малҳам излайди. Ҳамма гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутаяди ўзини. Кейинги зарбагача. Янги ракетагача. Ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган янги тонггача. Энг дахшатли сценарий айнан шу – чунки у вазиятни тўлиқ акс эттирадиган вариант.

Аммо бу сценарийлардан ташқарида «ўзи нималар бўлди-ю, нималар бўляпти?» деган яна бир савол жавобсиз қолаяпти. Қафасдан чиқиб кетган шер йўлбарс билан тўқнашгач, нималарга гувоҳ бўлди? Тўғри, дунёда кафолатли иттифоқлар қолмагани, барчаси вақтинчалик манфаатларга асосланганини кўрдик. Исроил яқка ўзи ҳаракатланаяпти. Эрон ҳам яқка ўзи жавоб берапти. АҚШ – сукутда. НАТО – «ташвишда». Хитой билан Россия – кузатувчи. Ҳеч ким биринчи бўлишни истамайди. Чунки биринчи – ҳаммаша айбдор.

Шунинг учун барчаси яна фалсафий тус олади. Биз энди шартномалар замонида эмас, сукут ва ядровий таҳдидлар замонида яшаймиш. Хато қилинса – бас, шахар йўқ. Бир кибархўжум уюштирувчи вирус ва давлат йўқ. Бир техник узилиш ва логистика тизими издан чиқади.

Аммо Эроннинг ҳам ўз ҳақиқатлари бор. У – 45 йилдан бери ўзини қамалда, деб билган мамлакат. У – тирик қолишни ғалаба деб билган давлат. Бундай давлатдан генералларини тортиб олишса, ядровий объектларини портлатишса, сунъий йўлдошларини уриб туширишса, унда ягона стратегия қолади – охиригача бориш. Гарчи бу жарлик бўлса ҳам.

Шу ўринда ижтимоий тармоқларда, ОАВларда тақдор ва тақдор эсланаётган Владимир Жириновскийнинг 2012 йилда, жонли эфирда айтган гаплари ёдга тушади: «Сизлар Яқин Шарқдаги вазиятни инобатга олмаясизлар. У ерда шундай воқеалар бошланадики, ҳамма Украинани унутди. Бу

Учинчи Жаҳон урушининг бошланиши бўлади. Эрон сизга Вьетнам, Шимолий Корея ёки Косово эмас. Бу ерда энг дахшатли воқеалар юз беради».

Исроил Эроннинг уран бойитиш марказлари ва эҳтимолий ишлаб чиқариш объектлари бор деб билган ҳудудларга зарба беришидан огоҳлантирган Жириновский сўзининг давомида шундай деган эди: «Зарбалардан сўнра Эрон, албатта, жавоб қайтаради: Исроилда қандайдир вайронагарликлар бўлади. Шунда «катта ака» етиб келади: АҚШ НАТОни сафарбар этиб, ўзи ҳам Эронни маҳаллий даражадаги таъсирга эга қўрқинчли қуроллар билан бомбардимон қила бошлайди. Ушбу маҳаллий ядровий қурол билан бутун мамлакатни ер билан битта қилиб ташлаш мумкин».

У пайтда бу гаплар кўпчиликда истеъзо уйғотган. Бугун эса геосийсий аниқлик билан берилган сценарий каби туюлмоқда. Ва, эҳтимол, бу ҳам энг дахшатли сабоқларимиздан бири бўлар: биз шундай дунёда яшаймишми, энг ақл бовар қилмас башоратлар ҳам жуда тез ҳақиқатга айланмоқда.

Бу – башорат эмас. Бу – контур. Уни инкор қилиб бўлмайди. Чунки имконсиздек туюлган барча нарсалар аллақачон содир бўлди.

Энг қизғини шундаки, Исроил ўз атрофидаги деярли барча давлатлар билан ёқимсиз, ҳатто душманона муносабатларга эга. Аммо айнан шу ҳолат унга муайян геосийсий имтиёзлар яратиб беради. Яъни, Исроилга мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар унинг атрофидаги давлатларга ман этилади. Масалан, Исроил ўзини мудофаа қилапти, деган баҳона билан бошқа давлат ҳудудларига бостириб кириши, зарба бериши, жосуслик фаолияти олиб бориши мумкин. Бу унинг стратегик «хўқўқлари» сирасига қиради. Аммо бундай ҳаракатларни бошқа бир давлат содир этса, бу муносабатларга раҳна солиш, халқаро ҳуқуқни поймол этиш, агрессия дея баҳоланади.

Бундай иккиозламачи стандартнинг сабаблари кўп: биринчидан, Фарб, айниқса, АҚШ Исроилни стратегик иттифоқдош сифатида кўради ва ҳар қандай ҳолатда унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Иккинчидан, минтақадаги мураккаб тарихий қарама-қаршиликлар Исроилга «барқарорлик посбони» деган мақомни берган. Натижада, бошқа давлатларга нисбатан қўлланадиган халқаро ҳуқуқий мезонлар Исроилга келганда оқсай бошлайди. Ҳозир ҳам Фарб Исроилнинг Эронга ҳужумида Эронни айбламоқда.

Аммо бундай ҳолат минтақага адолат ва барқарорлик келтириш урнига, тенгсизлик ва кескинликни янада оширади. Агар бир мамлакат ўзини «мунтазам таҳдид остида» деб ҳисоблаб, ҳар қандай хатти-ҳаракатини оқлаш имконига эга бўлса, у ҳолда бошқаларнинг ҳам шундай ҳуқуқ кафолатланмиши керак эмасми? Мана, ҳозиргина Исроил Эроннинг IRIB TV телеканалига ҳужум уюштирди. 16 киши ҳалок бўлди. Бунинг хунини ким тўлайди?

Биз шундай замонада яшаймишми, зарба – мурдага, сукут – стратегияга, қўллаб-қувватлаш – иштирокка, бетарафлик эса қўрқувга айланиб бўлган. Бугун эски дунё тартиботи қулга айланиб, янги дунё тартиботи яралаяпти. Кескин бурилишлар даври айнан шундай паллалардан бошланади. Улар кейинчалик «инқилоблар асри», «яңги совуқ урушнинг бошланиши», ёки шунчаки «Техрондан кейинги давр», деб аталиши ҳам ҳеч гап эмас.

Жаҳонгир НАҲАНОВ «ISHONCH»

Яқинда «Ибратли оила» кўкрак нишони билан тақдирланган Абдуманноповлар оиласи пойтахтимизнинг Яккасарой тумани, «Яккасарой» маҳалласида истикомат қилади. Баҳодир ака ва Маҳмуда опанинг турмуш қурганига 41 йил бўлди. Оллоҳнинг инояти билан уч нафар ўғилли бўлишди. Фарзандлар – Ғофуржон, Обиджон, Жаҳонгир бугун ҳаётда ўз ўрниларини топишган.

Маҳалла ахли, таниш-билишлар уч нафар келин билан биргаликда яшаётган ушбу оиланинг бахт сири билан доим қизиқишади. Ахир ҳозирги замонда одамлар европача яшаш тарзига ҳавас қилиб, келинларини алоҳида уйга туширишмоқда. Бундан мақсадни сўрасангиз, айрим қайноналар «Мен келинимга, келиним менга ёмон кўринмайлик. Қолаверса, ёшлар ўзлари учун ҳаракат қилсин, дедик», деса, айримлар «Ўзимиз учун ҳам яшайлик, ёшинг бир жойга борганда ёш болаларнинг шовқин-сурони ёқмай қолар экан», дейди. Хўш, атрафда ана шундай фикр-қарашлар билан яшаётган замондошларимиз кўпаяётган, амалда ҳам бу реал воқеалик айланаётганини кўриб турган бир пайтимизда Абдуманноповлар оиласи ўзининг бахт сирини қандай ифодалайди? «Ибратли оила» соҳиблари билан бўлган суҳбатда уларнинг ҳаётий тажрибаларини билишга интилдик.

– 5-6 ёшлигимда отамдан ажраб қолганман, – дейди оила бошлиғи Баҳодир ака. – Улар Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, омон қайтиб келганларига қарамай, 41 ёшларига касаллик туфайли оламдан ўтган. Онам 36 ёшида беш фарзанд билан ёлғиз қолган. 5 боланинг туртинчиси бўлганман. Ота меҳрига ташна бўлиб, бошимиздан кўп қийинчиликлар ўтказганмиз. Аммо шунга қарамадан, мактабда энг аълочи ўқувчи бўлишга ҳаракат қилардим. Натижада мактабни тамомлаб, ўша пайтдаги Автомобиль йўллари институтига ўқишга кирдим. Меҳнатда катта бўлганимиз фойда бердим, транспорт соҳасида фаолият юритиб, оддий муҳандисликдан раҳбарлик лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Қаерда ишламайин, оилани муқаддас билиб, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратдим. Ота сифатида ўғилларимга қаттиққўл бўлишга ҳаракат қилардим. Авлим эса меҳри, ширин сўзи билан уларни тўғри йўлга соларди.

– Ҳа, шундай, ҳўжайимин «Сен ўғил болани билмайсан, буларга қаттиқ туравериш керак», дердилар, – дея суҳбатда қўйилади оила бекаси Маҳмуда опа. – Мен эса, دادаси, унчалик ошириб юборманг деб, уларни сал ҳовуридан туширишга ҳаракат қилардим. Аммо барибир булар ўз билганидан қолмасди. Мактабга бориб тез-тез болаларнинг ўқитувчилари билан

БАХТИНИНГ СИРИ – САБРДА

гаплашарди, ўғилларимизни сўраб-суриштириб келарди. Болаларни спортга, инглиз тили, компьютер технологиялари бўйича тўғаракларга берардик. Буш юрмасин, ортиқча нарсаларга вақти қолмасин, деган фикрда бўлганмиз. Натижада фарзандларимиз ҳам илм йўлидан кетишди, матрифатли бўлишди. Катта ўғлимиз Ғофуржон Янги Ўзбекистон университетида, иккинчи ўғлимиз Обиджон суғурта йўналишида, кенжамиз иқтисод йўналишида ишлайди. Барчаси инглиз тилини чуқур билишди, ҳалигача болаликда қатнашган спорт турлари билан шуғулланишади.

– Оилада бахтли яшаш сири нимада, олайлик, келин саранжом-саршита, пазанда ва ширинсўз, меҳрибон бўлса, бахтли бўладими? – сўраймиз Маҳмуда опадан. Уларнинг жавоби эса қуйидагича бўлди:

– Аввало, иккала томон ҳам бунга масъул. Йигит хушхулқ, тарбияли, ахлоқли, меҳнаткаш, бирор ишнинг ёки хўнарининг бошини тутган ва қиз ҳам сиз айтган юқоридаги сифатларга эга бўлса, жуда яхши. Аммо ана шу санаб ўтган сифатларимиздан-да муҳим бир жиҳат борки, бу – сабр. Сабр йўқ оилада бахт бўлмайди. Йигитда ҳам, қизда ҳам сабр бўлмас экан, оиланинг оила, ёшларнинг бахтли бўлиши қийин. Нега десангиз, турмушда ҳар доим ҳам яхши кунлар бўлавермайди. Ҳар қандай оиланинг ҳам оғир, моддий етишмовчилик кунлари бўлиши табиий. Қолаверса, биз ўзбекларда ёш оилалар асосан қайнона-қайнотаси билан, кўпчилик бўлиб яшайди. Бунда кўп масъулият келинлар зиммасига тушади. Чунки бундай оилаларда келин нафақат турмуш урғотининг, қайнона-қайнотасининг, қайнука ва қайсин-гилларининг ҳам кўнглига йўл топа олиши керак. Мен шахсан бу борадаги оилалар тажрибамизни гапирадиган бўлсам, аввал бошиданок келинни келин эмас, қизимиз деб қабул қиламиз. Уни асраб-авайлаб, билмаганларини сабр билан ўргатишга, оиланинг пасту баланини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Ёш келин бамисоли ниҳол. Вақтида меҳр берсангиз, ютуқларини рағбатлантириб, хатоларини юмшоқлик билан тушунтирсангиз, улар, албатта,

катталарнинг сўзига қиради. Уч келинни ҳам «болам», «қизим», «жоним болам, жоним қизим», деб чақирамиз. Бирор нарса керак деса, сўзсиз ўғилларимизга айтиб, истақларини муҳайё қиламиз. Нега десангиз, аввало, ҳар қандай инсон шахс яшаётган уйда қадр қўриши, меҳрни ҳис этиши лозим. Уларга фақатгина рўзгор ишларини қилувчи сифатида эмас, бизга ақлан етук, соғлом набиралар дунёга келтирувчи фарзандимиз, деб қараймиз. Уйимизга келгач, ўзимизнинг ўқитдик, ўқитганини таъминнинг кейинги босқичи – магистратурада таҳсилни давом эттиришига шароит яратдик. Чунки бугун таълимга сарфланган сармоя эртага оилангизга ошиғи билан қайтади. Келинлар қанчалик зукко ва ақлли бўлса, фарзандларига тўғри тарбия беради, зиёли ва етук оила яратлади. Фарзандининг оиласи тинч, бахтиёр бўлса, сиз ҳам кексайганингизда осуда, фароғатда яшайсиз. Бунинг учун эса уларни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, билмаганини ўргатиш, ёрдамлаштиш, қўллаб-қувватлаш лозим. Шунда келинлар ва фарзандлар ҳам ана шу эътиборга, қадрга муносиб жавоб беришга интилади.

Катта ўғлимнинг аёли 18 ёшида хонадонимизга келин бўлиб тушган. Барака топсин, оналари оилага жуда яхши тайёрлаган экан. Пазанда, меҳнаткаш. Кейинги икки келиним ҳам бири-биридан меҳрибон, тарбияли, ширинсўз. Фурсатдан фойдаланиб, учала қизимнинг ота-онаси – қудаларимизга шундай фарзандларни тарбиялагани учун раҳматларимини айтиб қоламан. Қолаверса, бизнинг оддий оиламизни шундай яхши эътирофларга муносиб қўрган маҳалламиз жамоасига, раҳбариятига, туман ва маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш масъулиларига ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

– Айтилгангиздек, ҳаёт фақат қувончу шодлиқлардан иборат эмас. Олайлик, ўғлингиз ёки келинларингиздан бири сизларга ёқмайдиган иш қилди. Қандай йўл тутасизлар?

– Бундай пайтда ҳеч қачон ҳамманнинг ичиди бу ҳақда гапириб, танбەҳ бермаймиз. Секин ўша фарзандимизни алоҳида хонага



чақириб, гаплашиб оламиз. Ўғиллардан хато ўтса, دادаси ўзлари ёки иккимиз бира, келинлар бўлса, мен ўзим секин етиги билан тушунтираман, – дейди Маҳмуда опа. – Шунда улар «Кечирасиз, ойижон, бошқа бундай қилмайман», деб ўз сўрашади ва хатоларини тўзатишади.

Оиланинг яхши аънаси бор экан. Келинлар ишда, ўқишда бўлишади. Қайнона-қайнота эса нафақадан бўлганликлар учун набираларни мактабга, спорт ва фан тўғаракларига олиб бориб, олиб келиш, уйга вазифаларига ёрдамлаштиш билан банд. Келинлар навбат билан овқат қилишлари ҳам мумкин эди. Аммо ўзига хос оилавий аънаша шуки, учаласи ҳам кундалик таом тайёрлашни биргаликда бажаришади. Улар ўртасидаги аҳилчиликнинг бир сабаби ҳам шундир балки. Бироқ айрим пайтларда келинларнинг ишлари кўпайиб кетганида Маҳмуда опа ҳам қараб ўтирмас экан. Баъзида эса оила раҳбари Баҳодир ака ҳаммани йиғиб, бирор емакхонада меҳмон қилади.

Шу тариқа оила биргаликда меҳнат қилиб, ишда ва ўқишда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ҳамжихатликда яшаб келмоқда. Баҳодир ака ва Маҳмуда опа маҳалла яраштирув комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам фаол. Муаммоли оилаларда бўлиб, маҳаллада ажрим камайишига ҳисса қўшмоқда.

Мақоламиз сўнггида айтмоқчи бўлганимиз шуки, ушбу оила билан танишиб, уларнинг ҳаётида ҳаммаси зўр бўлган экан, деган хулосага келмадик. Ҳамманики каби мазкур оила ҳам ўзига хос синовларни, қийинчиликларни бошидан ўтказган. Шундай пайтларда уларга сабр, садоқат, меҳнат ёрдам берди. Синовлардан ёрғуз юз билан ўтиб, бугун тула-тўқис бахтли ва кўпчилик учун намунали оилага айланган. Фарзандлар эса ота-она босиб ўтаётган шарафли йўлдан изма-из келмоқда.

Зебо НАМОЗОВА Ishonch.uz

ТАҚДИМОТ

Сўнгги вақтларда молиявий аҳволи ночорлиги туфайли интернет тармоқлари орқали халқдан ёрдам сўраётганлар кўпаймоқда. Улар орасида ўзи ва турмуш ўртоғи ҳам, вояга етган фарзандлари ҳам соғ-саломат ва ишга лаёқатли бўла туриб, осон пул топишни кўзлаётганлар, ҳатто маҳаллий ҳокимиятдан уй-жой ажратишни ва моддий ёрдам кўрсатишни талаб қилаётганлар, таъбир жоиз бўлса, «берсангиз – ейман, бермасангиз – ўламан!» қабилида кун кечирадиган боқимандалар ҳам бор. Бу жамиятимизнинг эрғачинлари муаммоларидан биридир.

ЗАМОНГА ҲАМОҲАНГ ТўПЛАМ

Журналист Саид Раҳмоннинг яқинда Миллий матбуот марказида тақдими бўлиб ўтган «Ҳамоҳанглик» тўпламига киритилган «Президентни қийнаётган савол ёхуд Ўзбекистон камбағалликни қандай қилиб енгиш мумкин?» сарлавхали мақоласида одамларни ночорликка етаклаётган омиллар, камбағалликни қисқартиришга оид хорижий тажрибалар чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, бу борада мавзуд муаммоларини бартараф этиш юзасидан жўяли таклифлар билдирилган.

Тўпламдан Саид Раҳмоннинг марказий нашрларда чоп этилган 35 тага яқин бир туркум мақолалари ўрин олган. Уларнинг барчаси мавзусининг долзарблиги, масалала алоҳида ёндашилгани, креатив сарлавҳа танлангани, содда-равон тилда ёзилгани, ўтир ва ҳолис таҳлилларга бойлиги билан ўқувчи диққатини ўзига жалб қилади. Айниқса, камбағалликни қисқартиришга, эҳтиёмжанд оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, инсон қадрини улуғлашга, кафолатли даромад манбалари, сифатли таълим ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг турли тармоқларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳар кимда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бу эса, журналистикага соҳа-

сида ўз сўзига эга Саид Раҳмон қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт йўналишларида баракали ижод қилиб келаётганидан далolat беради.

– Саид Раҳмон бирор мавзуда мақола ёзишга киришишдан олдин жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиб, муаммонинг ичига чуқур кириб боради, жамиятимизга фойдаси теза-диган жўяли таклифларни илгари суради, – дейди Ўзбекистон журналистлар уюмчаси аъзоси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Лаъиз Раҳматов. – Тўпламдаги ҳар бир мақола профессионал журналистнинг тинимсиз изла-нишлари, сўз устида жиддий ишлаши маҳсулидир. Шунингдек, улар ўқувчи та-факкурини очишга ва фикрлашга унда-ши билан ғоят аҳамиятлidir.

Эл-юрт тақдирига тааллуқли муам-молар, таҳлил ва таклифлар бир китоб-га жамланса, кўпчилик учун зарур ва фойдали манбага айланади. Ишончи-миз қомилки, «Ҳамоҳанглик» тўплами ҳам иқтисодиёт йўналишида ижод қи-ладиган ёш журналистлар учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди.

Диёра РАВШАНОВА «ISHONCH»

СПОРТ БАЙРАМИГА АЙЛАНГАН БЕЛЛАШУВ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Фе-дерациясининг 120 йиллиги муноса-бати билан «Uzbekistan Airports» АЖ ва Авиация ходимлари касаба уюш-маси Республика кенгаши ҳамкор-лигида футбол мусобақаси ташкил этилди. Мазкур мусобақа «Авиахо-димлар лигаси» доирасида «Раис кубоги – 2025» номи остида ўт-казилди ва соҳа ходимлари учун ҳақиқий спорт байрамига айланди. Унда авиация қорхона ва аэропорт ходимларидан тузилган 12 та жамоа иштирок этди. Жамоа аъзолари бор куч-ғайратини сафарбар қилиб, ўз маҳоратларини кўрсатишди. Мусо-бақанинг барча босқичлари ҳакам-лар томонидан ҳаққоний ва адо-латли баҳолаб борилди.



Футбол мусобақасининг даст-лабки босқичида жамоалар 4 та гу-руҳга бўлинган ҳолда куч синаш-дилар. Гуруҳ босқичида энг яхши натижаларга эришган жамоалар плей-офф босқичига йўл олиб, фи-нал учун курашди. Мусобақанинг учинчи ўрин учун кечган бахсларда Қарши ва На-манган аэропортлари жамоа-лари тўқнаш келди. Қизгин ва кес-кин уйинда 0:1 ҳисобида Наман-

ган аэропорти жамоаси ғалаба қозонди. Финалда эса «Uzbekistan Airports Handling» ҳамда Навоий аэропорти жамоалари беллашди-лар. Ҳар икки жамоа ўйинчилари юқори спорт маҳоратини, жамоа-вийлик ва ҳақиқий футбол руҳини намоён қилдилар. Мурасосиз ва шиддатли ўтган уйинда Навоий аэропорти жамоаси рақибини 4:2 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақа ғо-

либига айланди. 2-ўринни «Uzbekistan Airports Handling» МЧЖ жамоаси, 3-ўринни эса Наманган халқаро аэропорти жамоаси қўлга киритди. Мусобақа якунида 1-ўринни эгаллаган Навоий халқаро аэро-порти жамоасига кубок ва 30 мил-лион сўм миқдоридagi ваучер то-пирилди. Шунингдек, яхши натижа-ларга эришган жамоаларнинг ҳар

бир аъзоси медаль, диплом ва қим-матбаҳо совғалар билан тақдир-ланди. Бу каби мусобақалар ходим-лар ўртасида жамоавий руҳни му-стаҳкамлаб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Камолитдин Раҳимов ижросида «Нарғиз» қўшиғи. Комил Девоний газали.

Эй юзинг кўзгусига волаи ҳайрон, Нарғиз, Кўзинг олдида сурати бежон, Нарғиз. Гўё топди чаман сори хироминг хабари Хуш этар ҳар кеча гулшанда чарогон Нарғиз, О, Нарғиз, хабар олмайсан ҳарғиз.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi logo and contact information. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinboshari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEYANOV (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatar va muxbir bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93.

Navbatchi muharrir: G'ulomjon MIRAHMEDOV. Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA. Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 408 ta. Shundan: 6 187 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 306 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611 1 2 3 4 5 6